

УЎК (УДК, UDC): 1751

DOI:10.36078/1564984653

АБУ ЯҚУБ САККОКИЙ “LĀM”, “MĪM”, “VĀV” ҲАРФЛАРНИНГ СЎЗДАГИ ЎРНИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ



Акмалхон АКМАЛХОНОВ

Докторант (PhD)

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

akmalxonovakmalxon@mail.com

Аннотация

Ушбу мақолада араб тилидаги тасриф (сўз ясалиши) илмининг нозик ва мураккаб жихатларини қамраб олган ходисалардан бири тадқиқ қилинган. Араб тилида сўз ясалиши ўзиги хос услуб – морфологик қолип асосида амалга оширилади. Бу морфологик қолип сўз ясалишининг асоси ҳисобланади ва у икки турли ҳарфлар бирикмасидан иборат бўлади.

Араб тилидаги 28та ҳарф сўз ҳосил қилишда “асл” ҳарф ёки “зиёда” ҳарф сифатида иштирок этади. Бундан ташқари, бир ҳарф икки турга мансуб бўлиши ҳам мумкин. Сўз ҳосил қилишдаги мураккаблик зиёда ҳарфнинг асл ҳарф бўлиб келишидир. Зиёда ҳарфнинг асл ҳарф бўлиб келиш ўринларини билиш сўзнинг асл ўзак ҳарфларини белгилашда, бу сўз қайси морфологик қолипда эканлигини билишда, у қандай маъноларни қамраб олганлигини аниқлашда муҳимдир. Мақолада ушбу жараёнда энг фаол бўлган $[v\bar{a}v]$, $[l\bar{a}m]$ ва $[m\bar{i}m]$ ҳарфларининг сўздаги ўринлари ўрганилган, ушбу ҳарфларнинг қайси ўринда асл ва қайси ўринда зиёда бўлиб келиши ёритилган. Зиёда бўлиб келганда қандай маъно англатиши борасидаги фикрлар ёзилган. Муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини асослаш учун илк ўрта асрларда яратилган ва кўпчиликка ҳаммага маълум бўлган ишончли манбалардан фойдаланган.

Калит сўзлар: тасриф (сўз ясалиши); асл ҳарф; морфологик қолип; ҳарфлар бирикмаси; зиёда ҳарф; сўз; бадал; зиёда; ҳазф; идғом.

ВЗГЛЯДЫ АБУ ЯКУБА САККАКИЙ О МЕСТЕ БУКВ “LĀM”, “MĪM”, “VĀV” В СЛОВЕ

Акмалхон АКМАЛХОНОВ

Докторант (PhD)

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

akmalxonovakmalxon@mail.com

Аннотация

В статье была исследована одна из сложных сторон науки тасрифа (словообразования) арабского языка. Словообразование в арабском языке осуществляется на основе морфологической модели, являющейся особым методом. Эта морфологическая модель, являясь основой словообразования, состоит из двух разных буквенных комбинаций. 28 букв в арабском языке участвуют в словообразовании в качестве коренных или некоренных букв. Одна и та же буква может относиться как к коренным, так и некоренным буквам, что усложняет анализ словообразования. Исследование таких закономерностей, где некоренная буква может быть коренной, считается важным для определения коренных букв в слове, выявления морфологической модели слова и понимания того, какие значения включает в себя эта морфологическая модель. В статье исследована роль в словообразовании каждой из самых активно участвующих в этом процессе букв, таких как و [vāv], ل [lām] и م [mīm]. Произведено исследование участия этих букв в качестве коренных и некоренных в слове. Выражено мнение автора о значении этих букв при их участии в качестве вспомогательного элемента в слове. При подготовке статьи были использованы известные и надежные источники раннего средневековья.

Ключевые слова: тасриф (словообразование); коренные буквы; морфологическая модель; буквенная комбинация; некоренные буквы; слово; "бадал" (substitute); "зиёда" (increase); "хазф" (omission); "идгом" (assimilation).

ABU YAQUB SAKKOKIY'S VIEWS ON THE PLACE OF LETTERS "LĀM", "MĪM", "VĀV" IN WORD

Akmalkhon AKMALKHONOV

PhD student

International Islamic
Academy of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

akmalxonovakmalxon@mail.com

Abstract

The article discusses one of the most sensitive and complicated aspects of the tasrif (of word formation) in the Arabic language. This event is the starting point of the word in word formation. Creation of words in the Arabic language is made up in a specific method of morphology. This morphological method is the basis of word formation and consists of two different combinations of letters. The 28 letters in the Arabic language are used as the original or lowercase letters. It can also be one letter of both types. Complexity in making words is that additive letters comes as original. Knowing where additive letters come as original letter is essential concept in determining base letters of the word, to understand in which model of morphology, to understand which meanings cover this morphologic model. The article summarizes participation role of most actively used letters such as و («vāv»), ل («lām»), م («mīm»). These letters indicated in which way they are original and in which way they are additive. Thoughts about what meaning come when used additives. For the article has been used well-known and reliable sources of early medieval centuries.

Keywords: tasrif (formation of word); original letter; a specific method of morphology; combinations of letters; lowercase letter; word; "badal" (substitute); "ziyada" (increased) letter; "khazf" (omission); "idgham" (assimilation).

Араб тилида сўз ясалиши узоқ давом этган морфологик жараёнларни босиб ўтади. Бу жараён бадал (ўзакни ташкил қилувчи ҳарфларнинг

алмашинуви), зиёда (сўзда сўз ясовчи қўшимча вазифани бажарувчи ундош ҳарфларнинг келиши), ҳазф (ўзакни ташкил қилувчи ҳарфларнинг тушиб қолиши), идғом (ҳарфларнинг ассимиляцияси) каби тил ҳодисаларини ўз ичига олиб, уларнинг ҳар бири ўзакни ташкил этувчи ҳарфлар, яъни асл ҳарфлар атрофида содир бўлади. Сўз ясашдаги ушбу ҳодиса кўпчилик олимлар эътиборидан четда қолмоқда. XII юзйилликда яшаб ўтган таниқли тилшунос Абу Якуб Саккокий бу ҳодисага алоҳида ёндашиб, тилшуносликнинг ўн икки илмини қамраб олган “Мифтаху-л-улум” асарининг “الفصل الأول في بيان مواضع الأصلة” [Al-Faslu al-avvalu fi bayāni mavādi’u al-asālati], яъни “Асл ҳарф ўринлари баёнидаги биринчи фасл”да ушбу тил ҳодисасини ёритган ва унда Басра мактаби намояндаларининг фикрига асосланиб ўз қарашларини баён қилган. У аниқ хулосаларга таянган ҳолда шундай ёзади: “Ҳар бир сўзда биринчи ўзакнинг асл ҳарфи ўрнида و (“vāv”)нинг зиёда бўлиб келиши сўз ясашида тўғри эмас. Қуйидаги ورنتل:[varantalun] (яъни, “фалокат”) сўзида биринчи асл ўзак ҳарф “vāv”дир. Шунингдек, حشو [hashvun] (“тўлғазиш”) сўзида “vāv” учинчи асл ҳарф бўлиб келган. اللام – (“lām”) ҳарфига келсак, у لهزم [lahzama] (“кесмоқ”), قلفع [qilfi’un] (“суви қуриб, қотиб қолган лой”) бу сўзларидаги иккинчи ҳарф бўлиб келаётган “lām” асл ўзак ҳарфдир. Сўз охирида “lām” ҳарфи асл ўзак ҳарф бўлиб келади. عبدل [’abdalun] (“қул”), زيدل [zaydalun] (“Зайд”), فحجل [fahjalun] (“оёғи эгри”) сўзлари бундан мустасно. Шундай сўзлар ҳам борки, уларда ушбу ҳарфнинг асл ёки зиёдали эканлиги баҳслидир. Булар: هيفل [hayqalun] (“туяқуш”), طيسل [taysalun] (тўп, жамлама), فيشلة [fayshalatun] (мақташ). ذلك [zalika] (“ўша”, муз. жинсда), هنالك [hunālika] (“ўша ерда”), اولالك [ulāika] (ўшалар); менинг фикримча, ушбу сўзлардаги “lām” асл ўзак ҳарф эмас”(1,30).

X юзйилликда яшаб ижод этган Бағдод тилшунослик мактаби намояндаси Ибн Жинний сўзнинг асл ўзак ҳарфи ҳақида: “Сўз ҳосил қилувчилар қарашида сўзнинг асл ўзак ҳарфлари бирбутунликдир. Бу бирбутунлик вазн асосида турли сўзлар ясашида иштирок этади ва бу (бутунлик) асл ўзак ҳарфлар ҳисобланади. Янги сўз ҳосил қилиниб, талаффуз қийинлашганда, ушбу асл ўзак ҳарфлар тушиб қолиши ҳам мумкин”, – деб ёзган эди (2, 3).

Араб тилшунослари орасида кенг шуҳрат топган Ибн Қатто Сақлий асл ҳарфлар борасида шундай дейди: “Исм туркуми иккига бўлинади: الاسم المتمكن و غير المتمكن [al-ismu al-mutamakkinu va al-g’ayru al-mutamakkini], яъни келишида турланувчи ва келишида турланмайдиган. Келишида турланадиган исмда асл ўзак ҳарфлари учтадан оз бўлмайди. Араб тилида уч асл ўзакли сўзлар кўпдир. Тўрт асл ўзак ҳарфдан ҳам иборат бўлади, лекин бундай сўзлар аввалгисидан

кам учрайди. Сўз беш асл ўзак ҳарфдан иборат бўлиши ҳам мумкин, бироқ улар тўрт асл ўзак ҳарфдан иборат сўзлардан озроқ. Араб тилида бундан ортиқ асл ўзакли сўз бўлмайди. Икки ўзак ҳарфли, уч ўзак ҳарфли, тўрт ўзак ҳарфли сўзлар зиёда ҳарфлар билан қўшилиб келганда етти ҳарфдан ошмайди” (3, 93).

Сўз ясалишида асл ўзак ҳарфнинг ўрнини билиш сўзнинг маъносини, гапда қандай вазифада келаётганини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Саккокий сўздаги аслий ҳарфларни аниқлашни қайси ҳарфнинг қайси ўринда асл ҳарф бўлиб кела олмаслигидан бошлади. Биринчи бошланган ҳарф “vāv”дир. Чунки бу ҳарф иллатли бўлиб, зиёда, бадал, идғом ҳодисаларида катта ўрин тутаяди. Олимнинг таъкидлашича, у тил ҳодисаларининг фаол иштирикчиси ҳисобланиб, сўз бошида зиёда ҳарф сифатида кела олмайди. Ибн Жинний ушбу ҳарф ҳақида: “vāv” ҳарфи асл, зиёда ва бадал ҳарф бўлиб кела олади. Асл ўзак ҳарф сифатида сўзнинг боши, ўртаси, охирида келади”, – деган (4, 573). Демак, ушбу ҳарф сўз бошида келса, у асл ўзак ҳарф ҳисобланади.

Кейингиси “lām” ҳарфи бўлиб, у сўзда асл, зиёда, бадал ҳарф бўлиб кела олади. Асл ўзак ҳарф сифатида у сўзнинг ҳамма ўринларида кела олади. Бу фикрга мисол сифатида Ибн Жинний қуйидаги шеърни келтирган:

لما رأى أن لا دعه ولا شبع مال إلى أرطاة حقف فالتجع

[lammā ra’ā an lā da’aha va lā shaba’a mala ilā artāti haqfin faltaja’a]

Жоҳилия даврига мансуб ушбу шеърда бўри таърифланган (6, 171) ва унинг маъноси шундай: “Роҳат кўрмаган, оч қолган бўри, янтоқдан бошқа ҳеч нарса тополмай, уйкуга чалинди” (4, 321).

Абу Якуб Саккокий “عبدل”, “زيدل”, “فحجل” сўзларининг охирида келган “lām” ўзак ҳарф эмаслигини айтади. Унингча, “هيفل”, “طيسل”, “فيشلة”, “ذالك”, “هنالك”, “اولالك” сўзларидаги ушбу ҳарф зиёда ёки асл ҳарф эканлиги баҳслидир. Аллома Ибн Жинний бу ҳақда: “lām” ҳарфининг зиёда ўрни иккита бўлиб, биринчиси келишиқда турланмайдиган сўзга қўшилади ва у билан бирлашиб кетмайди. Иккинчиси маъносига кўра қўшилади ва сўзнинг морфологик қолипида бўлмайди (4, 321). “ذالك”, “هنالك”, “اولالك” сўзлардаги “lām” ҳар икки тилшуноснинг фикрига кўра ҳам зиёдадир. Бу биринчи ўриндаги зиёда ҳарфларга мисол. Иккинчисига эса, “عبدل”, “زيدل”, “فحجل” сўзлари мисол қилиб келтириш мумкин.

Саккокий “هيفل” (“туяқуш”), “طيسل” (“тўп, жамлама”), “فيشلة” (“мақтов”) сўзларидаги “lām”ни баҳсли деб ҳисоблайди. Ибн Жинний фикрича, бу сўзлардаги “lām”ни зиёда ҳарфдир.

XIII юзйилликнинг машхур тилшуноси Ибн Ақил “ذلک”, “اولالک” сўзларига боғлиқ ушбу байтни шарҳлаб, қуйидагиларни айтган эди:

وبأولى أشهر لجمع مطلقا والمد أولى ولدى البعد انطقا
 بالكاف حرفا دون لام أو معه والام – إن قدمت ها – ممتعه

[bi ulā ashir lijam’I mutlaqan va al-maddu ulā va ladā al-‘abdi intiqā]
 [bi al-kāfi harfan duna lāmin av ma’ahu va al-lāmu in qaddamta hā mumtani’ah].

Байтнинг маъноси: “Ulā” сўзи билан мутлақ кўплика ишора қилинг. Чўзиш (бу ҳолда) биринчидир. “Lām” ҳарфисиз “kāf” ҳарфи билан узоқни кўзда тутинг ёки биргаликда (ҳам шундай маъно ҳосил бўлади). “Lām” ҳарфини ◦ – “hāun”дан олдин келтирсангиз, бу тўғри эмас” (5,131). Бу байт кўрсатиш олмошларига бағишланган бўлиб, юқорида келтирилган сўзлар (“ذلک”, “اولالک”) яқиндаги, ўртача масофадаги ва узоқдаги шахс ёки предметни кўрсатишда қўлланилади. Яқиндаги шахс ёки предмет бўлса, ذا ўртача масофадаги бўлса, “kāf” билан, яъни ذاك, узоқдаги бўлса, айнан биз баҳс қилаётган маъно ифодаловчи зиёда ҳарф – “lām” қўшилиши билан ҳосил бўлади, яъни ذاك ва اولالک. Ушбу сўзлар “هيق”, “طيسل”, “فيشلة” асли “هيق” [hayqun], “طيس” [taysun], “فيشة” [fayshatun] бўлади.

Саккокий ушбу мавзу давомида сўз туркумлари бўйича қарашларини баён қилади. Биринчи, феъл билан боғлиқ бўлмаган тўрт асл ўзак ҳарфдан ташкил топган исмга эътибор қилинса, бу каби сўзларда бирор ҳарфни зиёда қилиш тўғри бўлмайди. Масалан: إصطر [istaxaru] (“Истахар”, шаҳар номи) ва مردقوش [mardaqushun] (“заъфарон”) сўзларида келган “hamza” ва “mīm” ҳарфлари асл ўзак ҳарфларидир. Иккинчи, феъл билан боғлиқ бўлмаган исмларда икки ҳарфдан бири зиёда эканлиги билинса, иккинчисини зиёда қилиш тўғри бўлмайди. Фақат камдан-кам ҳолларда бу каби ҳолат кузатилиши мумкин: أنقل – [anqahalun] (“жуда қари”) (авишқа), أنقر – [anqaharun] (“қартайган”), أنزهو – [anzahavun] (“такаббур”). Бу мисоллар таркибидаги “hamza” зиёда ҳарф эмас, асл ўзак ҳарфдир. “mīm” ҳарфига мисол: منجنيق – [manjanīqun] (“манжаник”). Бу сўздаги иккинчи ҳарф зиёда бўлса, демак, “mīm” асл ўзак ҳарфдир. Иккинчи ҳарф асл ўзак ҳарф бўлмагани учун уларнинг сўзларига кўра (басралик тилшунослар фикрларига кўра) مناجيق – [majānīqu] (“манжаниклар”) сўзида “nūn” зиёда ҳарф бўлгани учун тушиб қолган. Сўзнинг биринчи ҳарфи ўрнида “hamza” ва “mīm”ни зиёда қилиш кўп ҳолларда тўғри бўлмайди. Мисоллар: ضئبيل - [di’bīlun] (“фалокат”), زئبر - [zi’barun] (“тук”), جؤذر - [ju’zarun] (“қутурган сигир боласи”), برأل - [bir’alun] (“қушнинг ўз бўйин патини юлиши”), تكارفا – [takarfa’a] (“кўп”), حرملم - [harmalun] (“саҳро ўсимлиги”), عظم - [izlimun] (“жуда қоронғу тун”). Бу сўзлардаги ҳамза ва мим ҳарфлари асл ўзак ҳарф бўлиб

келган. Олим “hamza” ва “mīm” ҳарфлари иштирок этган сўзларни кўплаб келтиришининг сабабини юқоридаги қоидадан четга чиқиш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкинлиги билан изоҳлайди.

“mīm” ҳарфи феълларда зиёда ҳарф бўмаслигига Мубаррадининг: “Ушбу ҳарф исмларнинг зиёда ҳарфи ҳисобланади, феълларники эмас” деб айтилган фикри далил бўла олади (7, 378). Ушбу ҳарф фақатгина исмларда зиёда бўлиб келади. Феъллардаги ушбу ҳарф доим асл ўзак ҳарф бўлиб келади. Мим ҳарфи исм сўз туркумидаги сўзларнинг биринчи ҳарфи бўлиб келмаса, қолган ўринларда асл ҳарф бўлади. Кўп ҳолларда уч ўзакли, тўрт ўзакли феъллардан ҳосил бўлган аниқ нисбат сифатдоши, мажхул нисбат сифатдоши, мим ҳарфи билан бошланувчи ҳаракат номи, макон ва замонни ифодаловчи сўзларда мим ҳарфи зиёда қилинган бўлади. Камдан-кам ҳолатларда мим ҳарфи исм сўз туркумига мансуб сўзларда ўртасида, охирида зиёда қилиниши мумкин: زرقم [zurqumun] (“тўқ кўк”), فسمح [fus’humun] (“кўкраги кенг”), دلامص [dulāmisun] (“ялтироқ”) (Ушбу сўздаги “mīm” ҳарфи Сибавейҳи (6,287) ва Мубаррад фикрларига кўра зиёда ҳарф ҳисобланади). Баъзи араблар сўз охирида “sin” ҳарфини ҳам зиёда қилиб кўрсатадилар. Бу ўринда зиёда қилишдан мақсад ўзидан олдин келаётган бирикма олмошини аниқлаштириш бўлади. Масалан: أكرمتك [akramtuki] (“сени икром қилдим”), баъзи араблар ушбу гапни أكرمتكس [akramtukis] тарзида талаффуз қилидилар (8,229).

Имом Саккокий الفصل الأول في مواضع الأصالة [Al-Faslu al-avvalu fī bayāni mavādi’u al-asālati] деб, морфологияда асл ҳарфларнинг сўздаги ўрнини баён қилишда том маънода ўзига хос ёндашиб, янги услуб орқали туб сўзларда ўзакни ташкил этувчи ҳарфларнинг сўздаги ўрнини баён қилди. Бундан олдин ўтган катта тилшунослар асарларида бундай ёндашув учрамайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. الامام ابو يعقوب يوسف بن ابي بكر بن محمد السكاكي تحقيق حمدي محمد قابل. مفتاح العلوم. – القاهرة، دار التوفيق. 2000. – ص. 828.
2. عثمان بن جني تحقيق ميلود بن عبد الرحمان. مختصر التصريف. – القاهرة، مكتبة الاداب. 2005. – ص. 24.
3. ابن قطان الصقلي تحقيق أحمد محمد. أبنية الاسماء والأفعال والمصادر. – القاهرة، دار الكتب. 1999. – ص. 528.
4. أبو الفتح عثمان بن جني تحقيق حسن هنداوي. سر صناعة الإعراب. – القاهرة، مكتبة الأدب. – ص. 969.
5. بهاء الدين عبد الله بن عقيل العقيلي الهمداني المصري تأليف محمد محيي الدين عبد المجيد. شرح ابن عقيل. – بيروت، المكتبة العصرية. – ص. 686.
6. أبو الفضل جمال الدين محمد بن مكرم ابن منظور الإفريقي المصري. لسان العرب. – بيروت، دار صادر. 2000. – ص. 305.
7. أبو العباس محمد بن يزيد المبرد تحقيق محمد عبد الخالق. كتاب المقتضب. الجزء الأول. – القاهرة، مطابع الأهرام. 1994. – ص. 417.
8. الأستاذ راجيا الأسمر. المعجم المفصل لفيعلم الصرف. – بيروت، دار الكتب العلمية. 1997. – ص. 637.

REFERENCES

1. Al-Imamu abu Yaqub Yusuf ibn abu Bakr ibn Muhammad Sakkokiy tahqiq (research) Hamdi Muhammad Qobil. *The key to knowledge*, Cairo: DAR TAFVIQ, 2000, 828 p.
2. Usmon ibn Jinniy tahqiq (research) Milud ibn Abdurahmon. *The Short Tasrif*, Cairo: MAKTABAT ADAB, 2005, 24 p.
3. Ibn Qatton Saqfiy tahqiq (research) Ahmad Muhammad. *Formation of Asma, Af'al, Masadir*, Cairo: DAR KUTUB, 1999, 528 p.
4. Usmon ibn Jinniy. *Secrets of Sina'at I'rob*, Cairo: MATABI AKHRAM, 1994, 969 p.
5. Bahauddin Abdulloh ibn Aqil Aqiliy Hamadoniy Misriy ta'lif Muhammad Muhyiddin Abdulmajid. *Sharh Ibn Aqil*, Beirut: MAKTABA ASRIYYA, 1979, 686 p.
6. Abu Fadl Jamoliddin Muhammad ibn Mukrim ibn Manzur Ifriqiy Misriy. *Lisan Arab*, Beirut: DAR SADIR, 2000, 305 p.
7. Abu Abbos Muhammad ibn Yazid Mubarrad tahqiq (research) Muhammad Abdulxoliq. *Kitab Muqtadab*, Cairo: MATABI' AHRAM, 1994, 417 p.
8. Ustaz Roji Asmar. *Mu'jam Mufasssal fi ilm Sarf*, Beirut: DAR KUTUB ILMIYYA, 1997, 637 p.